



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 23-iyun. Payshanba • 75 (31.351) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилади. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўлаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

2010 йилда мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдордаги капитал қўйнамалар, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўнаштирилди.



Изчил ислохотларнинг юксак самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июнь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятда ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этаётди. Янги корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва раvon йўллар, bog ва хиёbonлар бунёд этилмоқда.

Қашқадарёда sanoat va қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида яли худудий маҳсулотнинг ўсиши 105,9 фоизни ташкил этди. Sanoat маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини bosқичма-bosқич ислох қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган, барқарор хўжаликларни шакллантириш натижасида самарадорлик изчил ўсумоқда, фермер хўжалиқларининг молиявий-иқтисодий аҳоли тобора яхшиланмоқда. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш имконияти янада кенгаймоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қашқадарёнинг «Насаф», Гузорнинг «Шўртан», Муборакнинг «Машъал» жамоалари тўп сураётгани ҳам ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари «Насаф» футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Осий футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида яхши натижаларни кўлга киритаётган «Насаф» футбол жамоасини эришяётган ютуқлари билан табриклади.

Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омилдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборни «Насаф» клуби базасида яратилган шарт-шароит мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мен Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганига ғувоҳ бўлдим, — деди «Насаф» футбол жамоаси бош мураббийи, украиналик таникли мутахассис Анатолий Демяненко. — Бу Сизнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътиборингиз самарасидир.

Президентимиз «Насаф» футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Феруз ХОЛМИРЗАЕВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 7139 фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 102 гектардан ер майдони тўғри келади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, фермерларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароит натижасида рентабеллик ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди.

Президентимиз Ислам Каримов Қашқадарё бошқоғи дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бўлиб, олимлар ва ёш илмий тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Ўртбосимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, сувориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, сув тақчиллиги ва шўрга чидамли ғалла навларини яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш каби вазифаларни баҳаради.

Қашқадарё — катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга вилоят, — деди Президентимиз. — Ушбу институтни айнан Қашқадарёда ташкил этишдан кўзланган мақсад — ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш олимларнинг изланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Юздан зиёд олим ва илмий ходим меҳнат қилаётган мазкур институтда бугунги кунда бугуннинг худудлар тупроқ-иқлим шароитига мос, эртагишар, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлари ўрганилмоқда. Қарши, Касби, Шахрисабз ва Қамаши туманларида тажриба майдонлари мавжуд. Институт олимлари томонидан яратилган «Туркстон», «Жайхун» ва «Яксарт» каби бугун навлари тўлиқ районлаштирилди.

Бугун ҳосилдорлигини ошириш

билан бирга, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратишимиз лозим, — деди Юртбошимиз. — Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Истиқлолнинг ilk йилларида бор-йўғи 800 минг тонна ғалла етиштириб, четдан 5 миллион тонна бугдой олиб келган Ўзбекистон аллақачон ғалла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд ғалла экспорт қилдик.

Давлатимиз раҳбари институт олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, ёшлар салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш, илмий изланишлар учун уларга барча шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Обод қишлоқлардаги шодон кўнгишлар

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш ҳаракатининг юксак самаралари ҳақида

...Муаллимимиз расм дарсида «Менинг қишлоғим» мавзусида уйга вазифа берди. Эртасига болалар ўзи чизган расмни олиб келди. Уларнинг барчасида деярли бир хил манзара эди: пахсадан уйлар, лой томли молхона, тупроқли кўча... Албатта, бу болаларнинг тасавури эди, лекин амалда ҳам шундай эди... Бу — 1989 йилдаги воқеа.

ни эслашнинг ўзи кифоя. Истиқлол халқимизга бетимсол неъматлар инъом этди. Халқимизга ўзи истаганидек ҳалол меҳнат қилиб, роҳатини кўриш, уй-жой қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитда яшаши учун бекиёс имкониятлар яратилди.

Халқимиз азал-азалдан тинчлик-осойишталикда яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш, бир уй қуриб, эл-юртга тўй беришни эзгу ният сифатида қадрлайди. Бу ота-боболаримиз томонидан яратилган бахтли умр кечириб, ҳаёт гаштини суришнинг оддий формуласи. Бироқ

бунга эришишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмаган. Узоққа бормайлик, бундан 20-30 йил илгари кетмоннинг остидан чиқмасдан меҳнат қилиб қосаси оқармаган, кўримлироқ уй-жой қуролмаган, ҳатто уйнинг томини тунукада ёпишга чўчиган қишлоқ одамларини

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

Электорат манфаатидан келиб чиқиб...



ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Бухоро шаҳрида «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишда микромолиявий хизматлардан кенг фойдаланиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум бўлиб ўтди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда қатор етакчи тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуман доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди.

Мустақиллик фарзандлари

15 ёшли ўзбек футболчисига «Реал» клуби қизиқмоқда



⇒ 4

Баҳс-мунозара асосли ва мантиқли бўлса

одамларга фойда келтиради, сиёсий партияларнинг жамиятда таъсир кучини оширади

⇒ 2

Эътироф

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида илгари ҳам бўлган эдим. Тўғриси, бугун уларни танибмай қолдим. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари Ўзбекистоннинг юксак салоҳиятидан далолатдир. Бу гал Фарғона водийсига сафарим давомида мамлакатимизга қизиқиш ва ҳавасим янада ордди.

Қаерга бормайлик, одамлар бизни катта илтифот билан кутиб олишмоқда. Бир-бирини такрорлама қўчалар, зибратгоҳлар, тарихий обидаларни кўриб, ўзининг худди эртақлар оламида юргандек тасаввур этасан. Айниқса, гўдақларга ҳам «сиёлаб мурожаат қилиш, кексаларни қадрлаш, фарзанд тарбиясига устувор аҳамият бериш — буларнинг барчаси дунёдаги бошқа халқларда деярли учрамайдиган бекиёс қадриятлардир.

Бунга, шубҳасиз, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, мамлакат аҳолининг интилувчанлиги тўғрисида эришилмоқда.

Лерноуэ БЛУНО, (Бельгия).

Янгилик

Испаниядан галаба билан

Испанияда Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти — W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Нуфузли беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек жанг санъати усталари тўрт олтин, беш кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Дунёнинг энг кучли яккакураш усталари иштирокида ўтказилган W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионатининг комплекс маъж бажариш ва яқма-яқма беллашув баҳсларида Аҳмадулло Усмонов, Достон Раҳимиддинов, Жаҳонгир Аъзамов ва Саноабр Ашурова биттадан олтин ва кумуш медални кўлга киритган бўлса, Абдулла Ҳамидуллоев кумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

Меҳнат ярмаркаси

Амударё туманида касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Жорий йилда тумандаги мавжуд касб-ҳунар коллежларини таъминлаган 2 минг 463 нафар ўғил-қиз уч томонлама имзоланган шартномалар асосида ишга қабул қилинмоқда.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, бандликка қўмақлашувчи марказ томонидан ташкил этилган ушбу меҳнат ярмаркасига 22 корхона, ташкилот ҳамда фермер хўжалиқлари томонидан 131 бўш иш ўрни тақдир этилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш, sanoat, тадбиркорлик йўналишларидаги бўш иш жойларига ёшлар катта қизиқиш билдирди. Ярмарка давомида 97 нафар йигит-қиз ўзларини қизиқтирган корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш учун йўланма олди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 ЙИЛ 21 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ					
1 Австралия доллари	1808,75	1 Миср фунти	287,86	1 СДР	2728,70
1 Англия фунт стерлинги	2763,35	1 Канада доллари	1742,77	1 Туркия лираси	1071,95
1 БАА дирҳами	465,91	1 Хитой юани	264,30	1 Швейцария франки	2012,53
1 АҚШ доллари	1711,05	1 Малайзия ринггити	563,49	1 Евро	2445,43
				10 Жанубий Корея вон	15,78
				10 Япония иенаси	213,35
				1 Россия рубли	60,72
				1 Украина гривнаси	214,59



* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ: таклифлар ва таҳлиллар

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» давлатимиз тараққиётининг муҳим хусусиятларини қамраб олгани билан қимматли ва аҳамиятлидир. Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш жараёнида уларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш мазкур қонунлар лойиҳалари халқаро демократик андозалар ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу қадриятларга асосланишида муҳим аҳамиятга эга.

Машкура САФАЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси



— Концепцияда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тамойиллари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган тизимни белгилаб беришга қаратилган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилиш таклифи қилинди.

Бундан кўзланган асосий мақсад тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, бу борада қонуний кафолатни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бу қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, хусусан, ички ишлар идоралари фаолияти янада либераллашувни таъминлайди.

Амалдаги қонунчилигимизда, хусусан, Жиноят процессуал кодекси, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддалари ҳамда Жиноят-ижроия кодексига тезкор-қидирувни амалга оширишга ваколатли органларнинг фаолияти тартибга солинган. Аммо уларда тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни амалга ошириш тамойиллари, механизми ва тартиби аниқ белгилаб берилмаган. Шу боис, тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ифода этадиган алоҳида қонун зарурати юзага келди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши кураш, айтиш пайтда, унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шу билан бирга, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кучли ҳимоя қилинишига хизмат этади.

— Концепцияда ахборот соҳасини либераллаштириш жараёни янада чуқурлаштириш, соҳага бозор муносабатларини кенг жорий қилиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, бу борада «**Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида**» қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий жараёнларга таъсири кучайиши, жумладан, жойлардаги айрим хато ва камчиликларнинг атрофлича таҳлил қилинишида оммавий ахборот воситасининг иқтисодий мустақиллиги муҳим ўрин тутди. Жамоатчиликка муайян воқеа-ҳодиса юзасидан ҳолис ахборот етказиш, бу жараёнда турли ижтимоий қатлам фикр-мулоҳазаларини акс эттириш айрим муаммоларни фикрлар хилма-хиллиги асосида ҳал этишига замин яратди. Бундан оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. ОАВ эркин фикр минбари бўлиши керак. Бунинг учун унинг фаолияти турли бюрократик тўсиқлардан ҳимояланиши лозим. Айниқса, оммавий ахборот воситасининг иқтисодий эркинлиги бу бунда муҳим ўрин тутди.

Шу боис, қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркин фаолият юртишини кафолатловчи ҳуқуқий механизм яра-



тишга эътибор бериш лозим.

Шу билан бирга, ОАВнинг мулкка эгалик ҳуқуқи субъекти сифатида самарали иш юртишини таъминлайдиган иқтисодий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари мулкнинг ҳуқуқий тартиби, хусусан, мулкка эгалик бўлиши ОАВнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилиши мақсадаги мувофиқдир.

Бундан ташқари, қонунда оммавий ахборот воситаси таъсисчиси ва мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш даркор, деб ўйлайман. Соҳа мулкдори деганда, қонун меъёрида оммавий ахборот воситасининг Низом жамгармасини шакллантирувчи ёхуд молиялаштирувчи маусиси тушулиниши керак.

Қонун лойиҳасида мулкдорнинг мажбуриятлари аниқ белгилиниши ҳам аҳамиятлидир. Мулкдорнинг тахририятни молиялаштириш миқ-

Улуғбек ЗОКИРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Электорат манфаатидан келиб чиқиб...

ИШ ҚИДРАЁТГАНЛАР УЧУН...

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бoшқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўзи ва яқинлари учун муносиб иш қидираётган кишиларга катта қулайлик яратиб берди. Ярмаркада вилоятдаги 305 та корхона ва ташкилот, муассаса ўзларида мавжуд 3065 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Кўплаб хотин-қизлар, вақтинча ишсиз ёшлар, касб-хўнар коллежлари битирувчилари ва электоратнинг бошқа вакиллари доимий иш ўрнига эга бўлишди.

— Шу йил Бухоро политехника коллежини тугатдим, — дейди **Миршод Марупов**. — Ярмаркада таклиф этилган иш ўринлари билан танишиб, вилоят «Сувовқова» ишлаб чиқариш бoshқармасига таъмирловчи бўлиб ишга жойлашди учун шартнома имзоладим. Энди бемалол ўзим қизиққан соҳада иш бошлашим мумкин. Меҳнат ярмаркаси биз каби иш қидираётган ёшлар учун айна мудоао бўлди.

— Мутахассислигимга мос бўш иш ўринларини ўрганиб қидирдим, — дейди Жондор саноат ва қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежи битирувчиси **Рауф Хўжаев**. — Жондор йўл таъмирлаш унитар корхонаси таклиф этган иш ўринлари диққатимни тортди. Корхона фаолияти билан танишиб чиққач, шу муассасага ишга кириш учун мурожаат қилдим ва йўлланма олдим.

— Аслида бошқа йўналиш бўйича касб-хўнар коллежини тугатаётган бўлсам-да, зардўзликка қизиқишим баланд, — дейди **Фотима Худойбердиева**. — Шу хўнарни онамдан ўрганганман. Шу боис, шу соҳа бўйича иш таклиф этилган ташкилотлар фаолиятини ўргандим. Бухоро шаҳридаги зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtisosлашган «Заркон» масъулияти чекланган жамият менга маъқул бўлди. Шу корхона билан шартнома имзоладим.

— Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хўнар коллежини тугатганман, — дейди **Олим Ҳамидов**. — Шофёрликда яшайман. Туманимиз корхона ва ташкилотлари таклиф этган бўш иш ўринлари билан қизиқдим. 23 та иш берувчидан тегишли маълумотларни олдим. Улар орасидан 203-хўжаликларро механизациялашган кўча жамланма менга маъқул бўлди ва ишга жойлашди учун мурожаат қилдим. Йўлланма беришди. Бундан жуда турсандим.

— Биз 4 та бўш иш ўрни билан қатнашдик, — дейди **Вобектн туман йўл хўжалик пудрат корхонаси раҳбари Ражаб Жўраев**. — Кўплаб ёшлар мурожаат қилишди. Фаолиятимизга қизиқувчиларга керакли маълумотларни бердик. Иш шартини, шартларини тушунтирдик, фаолиятимиз билан таништирдик. Касб-хўнар коллежлари битирувчилардан 3 нафари биз билан шартнома имзоладди.

— Ишбилармонлик қобилиятимизни юзага чиқариш учун бугун барча шароит яратилган, — дейди **хўнарданд Гўлчэра Саггоров**. — Хусусий корхонамиз зардўзлик ва каштачилик мактабининг ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаяпти. Айниқса, кам таъминланган оила фарзандларини ишга йўналтириш мақсади доим диққатимиз марказида. Шунга мувофиқ, устоз-шогирд аъёнаси асосида ёшларга хўнар ўргатиш, уларни ишлаб чиқариш цехимизга ёки бошқа зардўзликка иxtisosлашган корхоналарга ишга жойлаштириш учун кўмаклашамиз.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бoшқармасидан олинган маълумотга кўра, шу кунгача ташкилотларга қўрилган 836 киши ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Туман ва шаҳарлардан келган касб-хўнар коллежлари битирувчилардан 2124 нафарига мутахассислар керакли маслаҳатлар беришди.

БАНК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

Иқтисодий форум доирасида тижорат банкларини микроолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича методик услубий материаллар кўргазмаси ташкил этди. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги тартиб-таъминотини белгилаб қўйиш зарурати таъкидланди. Президентимиз қўрилган қонунлар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига қўрилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қилиш зарурати таъкидланди.

лий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганини, бизнесни ташкил қилишнинг бу шакли миллий аъёналаримизга тўла мос келишини алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, оилавий бизнес ривож қўлаб янги иш ўринлари очилишига замин яратди. Шу орқали аҳолининг ижтимоий фаолиги, ёшларнинг меҳнатга муносабати қарор топади, уларда мустақил фаолият юртиш, касб-хўнар сирларини пухта ва муқамал ўрганиш кўникмаси шаклланади. Шу сабабли тижорат банклари бу соҳага кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қўрилган эътибор диққатга лойиқ. Шу сабабли оилавий тадбиркорлик жадал ривожланиб, ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажми тобора ошиб бормоқда. Хусусан, шу йилнинг январь-май ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми 70 миллиард сўмдан ошди. Шундан 318,1 миллион сўмга яқини оилавий тадбиркорлик ва хўнардандчиликни ривожлантириш учун сарф этилди. Йил якунигача вилоят бўйича мазкур йўналишга қарийб 1 миллиард сўм жалб этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2011 йилда касб-хўнар коллежларини тугатиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида бўлган ёшларга 1,6 миллиард сўмдан ортиқ имтиязли микроолиявий хизматлар кўрсатиш белгиланган. Жорий йилнинг шу даврига қадар ажратилган микрокредитлар ҳажми 434 миллион сўмдан ошди. Тижорат банкларининг микроолиявий хизматлар кўрсатиши ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бу, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш ва хўнардандчиликни фаворонлиги учун мустаҳкам замин яратаяпти.

— Мен ўз бизнес-режам устида изланиш олиб бораётман, — дейди **Талаба Зарнигор Шукророва**. — Ҳўшини тугатиб, хусусий фирма очиш ниятим бор. Шунинг учун кредит олиш тартиби билан ақиддан танишдим. Олган маълумотларни асосида бизнес-режамни янада такомиллаштириш, оилавий бизнесга асосланган йўналишларни киритишга қарор қилдим. Бу борада барча қулайлик яратилаётгани ҳар қандай одамни руҳлантиради.

ТАДБИРКОР ВА ХўНАРМАНДАЛ ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Оилавий бизнес тартиб-таъминотининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорлар, хўнарданд ва касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизматлар кўргазмаси ташкил этилди.

— Ҳў йил аввал банкдан кредит олиб чеварлик фаолиятини бошлаган эдим, — дейди **Когон шаҳридан келган тадбиркор Дилфуза Раҳматова**. — Кредитга тикув машиналарни сотиб олдим ва маҳалла кўчаларини ишга жалб қилдим. Ҳўзир кичик корхонамизда 10 киши иш билан банд. Бугун кўргазмада ўз маҳсулотларимизни намойиш этдик. Ишимиз кўпчилик ёшларга маъқул келиб, 20 га яқин киз иш ўрганиш учун мурожаат қилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда яратилган имкониятдан фойдаланиб, ишимизни янада кенгайтириш ниятидадим.

— Биз оилавий хўнардандчилик билан шуғулланамиз, — дейди **моҳир кулол Алишер Нарзуллаев**. — Мана шу хўнар орқасидан оиламиз аъзолари кўлаб хоржий мамлакатларда бўлиб, халқимизнинг амалий санъатини чет элликларга намойиш қилиб келаяпти. Шукрки, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон. Юздан ортиқ шогирд чикардим. Бугун улар ҳам ўз оила аъзоларини хўнарга жалб қилиб, рўзгори бутлигини таъминламоқда. Бугунги тадбирда ҳам кулолчиликка қизиққан 15 дан ортиқ ёшлар шогирдикка тушиш истагини билдирди...

Форум доирасида ўтказилган барча тадбирлар, моҳият эътиборига кўра, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, тартиб-таъминотини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги тартиб-таъминотини белгилаб қўйиш зарурати таъкидланди.

Лазиза ШЕРОВА

Баҳс-мунозара асосли ва мантиқли бўлса

одамларга фойда келтиради, сиёсий партияларнинг жамиятдаги таъсир кучини оширади

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юқлайди. Бу борада ҳар бир сиёсий партия ўз электорат манфаати йўлида аниқ ташаббуслар билан чиқиши, ўзаро амалий, соғлом баҳс-мунозара олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Партиялар ўртасидаги соғлом рақобат даражаси эса уларнинг салоҳияти, баҳс-мунозара юртишдаги маданиятига боғлиқ. Бу масалага ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий ва гоғий мақсадлари, партия электорати манфаатларини ифода эта олиш салоҳияти, керак бўлса, сиёсий етуклик даражаси нуқтаи назаридан ёндашади, албатта.

Афсуски, партияларро юзак, асосий баҳс юртиш, мантисиз давволар ҳамон давлом этмоқда. Бизнесгача, ҳар қандай ҳолатда ҳам бирова баҳо беришда киши аввало ўзига боқиши, мантис ва маънавий ҳуқуқ таъминлига суянмоғи зарур.

Қулатувлар шуни кўрсатадики, 1995 йилда ташкил қилинганга қарамастан, ҳалигача дадил оёққа тура олмаётган, энг «чиройли» дастурга эмас, дея мактанаётган «Адолат» СДП наشريдаги мақолаларда билдирилаётган аксарият даъволар ҳавоси баландлиги катта қаромат кўрсатган одамнинг гапларини эслатади.

Ҳолбуки, «Адолат» партияси ўз сайловолди дастурида «асосий таркибий қисми «маҳалла» ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва кўлаб-қувватлаш тарафдорин», дея қайд этган эди. Мана, сайловлар ўтганига ҳам салкам икки йил бўлибдики, мазкур партия бу борада бирорта янги ташаббус кўтаргани йўқ.

Шунингдек, сайловолди дастурида социал демократия мафкурасининг асоси бўлган инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, самарали жамоатчилик назорати ўрнатилиш борасида адолатлилик гоғисини бош йўналиш қилиб белгилаган бу партия мазкур гоғларни амалга ошириш борасида қандай ишларни олиб бормоқда?

«Адолат» СДП жойларда маҳаллий вакилик органларига сайланган депутатлари шу кунгача партия дас-турий мақсадларини амалга оширишда қандай таклиф ва ташаббус билан чиққанини таҳлил этиб хулоса чиқарса, эҳтимол баланд-парвозликдан пастроққа тушиш кераклигини англаб етармиди?

«Адолат» — ҳаётимиз бош мезонин, деган широрни кўтариб чиққан «Адолат» СДП маҳаллий ривожланиш дастурларини кенг жамоатчилик текширувидан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳарлар микёсида жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг асосий вазифаси қилиб белгилаган. Партиянинг аксарият туманларда маҳаллий кенгашилари умуман фаолият кўрсатмаётганини ҳисобга олсак, жамоатчилик текшируви ўтказилиши хомхаёл экани аниқ равшан бўлади. Балки «адолат»чилар социал демократия гоғиси мазмунини фақат чиройли дастур ёзиши ёки жозибадор ваъдалар беришдан иборат, деб тушунишаётганмикин?..

Масалан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳозирги кунга қадар мазкур партия ташкилот деярли фаолият юртимаган. Шу боис ҳам Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи фуқароларнинг аксарияти бундай партия борлигини билишмайди.

— Мен ўн йилдан бери маҳалла фуқаролар йўғинига раислик қиламан, — дейди Чирчиқ шаҳридаги «Адолат» маҳалласи раиси, халқ депутatlари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати Майрам Даминова. — Маҳалламиз кўп қаватли уйлардан ибор-

гани маълум қилди. Сайловолди ташвиқоти ва ОАВлардаги чиқишларда «Адолат» СДП айнан суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва либераллаштириш, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам беришни ўз зиммасига олганини эътиборга боис, муаммосини ҳал этиш бўйича «Адолат» СДПга мурожаат қилмоқчи бўлган. Бироқ шаҳримизда бу партия ташкилотининг аҳолига ёрдам бера олишга қодир бўлган бирон-бир фаолиятини кўрмаганлигимиз боис бу фуқарони ҳам ХДП ташкилотига юбордик. М.Эргашевага керакли ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Агар 2009 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасини таҳлил қилиб кўрсак, биргина Фаргона вилояти бўйича мавжуд 560 та сайлов округидан атига 40 сидуа туман, шаҳарлар кесимида «Адолат» СДПдан депутатлик сайланишига эришилган. Мазкур кўрсаткич вилоят бўйича 7,14 фоизни ташкил этади. Ёзёвон, Олтиариқ, Боғдоқ, Сўв, Бешарик, Дангара, Қўча ва Учкўприк туманларидега эса халқ депутатлари туман Кенгашиларида етарлича депутатлик ўринларига эга бўлмаганликлари учун депутатлик гуруҳлари хатто тузилмаган ҳам. Бу эса вилоятдаги шаҳар ва туманларнинг 68 фоизидега «адолатчиларнинг депутатлик фаолияти деярли йўқлигини кўрсатади. Шундай экан, бу кўрсаткичлар, партиянинг сайловолди платформаси сайловчиларни ўз ортидан эргаштира олмаганининг яққол тасдиғи эмасми? Бошқа сиёсий партияларнинг фаолияти хусусида бир сўз айтишдан олдин «Адолат» СДП ўз фаолиятига танқидий назар солса, фойдадан холи бўлмасди.

Тошкент вилоятида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги мавжуд 60 та депутатлик ўриндан атига 4 та ўрин «Адолат» СДП вакилларига

насиб этган. Гап сонда эмас, албатта. Фақат «адолат»чилар шунчаки арифметик ҳисоб-китобларни жуда хуш кўрган боис бу рақамларга мурожаат қилишга тўғри келмоқда.

Бугун жамиятни демократлаштириш, ижтимоий йўналиштирилган, барқарор бозор иқтисодиёти тизимини яратиш, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида янада бешарик, дадил оидимлаб боришни ҳаётининг ўзи такозо этмоқда. Бу эса фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаолиятини ортиштириш, сиёсий партиялар ўз электорати манфаати ва эҳтиёжларини нечоғли ҳимоя қила олишига бевосита боғлиқ. Шунинг учун сиёсий партиялар жойлардаги ўз тузилмалари, фаоллари, барча даражадаги депутатлари орқали амалий иш қилиши зарур. «Адолат» СДПнинг айнан қуйи ташкилотлари кўпгина жойларда ҳали-ҳамон ўз қаддини тиклаб олмаганини кўпчиликка маълум-ку...

Бугун «Адолат» СДП ўз нуфузини ошириш, партиянинг жойлардаги мавқеини кўтариш учун ОАВларда баланд-парвоз чиқишлар, юзак тадбирозликлар сонини санаш, одамларнинг эътиборини қозониши интиломқда. Ваҳоланки, бу йўл билан ишонч қозониш мумкин эмаслиги тажрибадан аллақачон ўтган ҳақиқат.

Шундай экан, «Адолат» СДП мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа сиёсий партиялар фаолиятига доноларча танқидий баҳо бериб, ўзини улуглашдан қўра, ҳақиқий аҳолини таҳлил этиб, хулоса чиқарса, мақсадаги мувофиқ бўларди, деган мулоҳазададим.

Баҳс-мунозара асосли ва мантисли бўлса, одамларга фойда келтиради, сиёсий партияларнинг жамиятдаги таъсир кучини оширади, деб ўйлаймиз.

Муборакхон ЯКУБОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот-услубий
маркази мудири.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

Обод қишлоқлардаги шодон кўнгишлар

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш ҳаракатининг юксак самаралари ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизда қисқа вақт ичида қишлоқларни комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар бунёд этишнинг мустаҳкам тизими шаклланди. Замонавий турар-жойларни қуриш ва молиялаштириш, ер масивларини танлаш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Буларнинг барчаси қишлоқларда уй-жой, ижтимоий-маданий, тиббий, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа объектларини мустаҳкам ҳамда сифатли қуриш, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари каби инфратузилма тармоқларини ривожлантириш имконини бермоқда. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси янги уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида буюртмачи сифатида қурилиш ишлари тез ва сифатли амалга оширилишини таъминламоқда.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ўнлаб янги корхоналар ташкил этилди. Замонавий уй-жойлар 15 йил муддатга имтиёзли кредит асосида берилган аҳоли учун катта қулайлик яратаетир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 42 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалардаги 847 уй-жой фойдаланишга топширилди. 2010 йилда эса 159 тумандаги 223 қишлоқ массивида 6 минг 800 оила замонавий уйларга кўчиб ўтди.

...Опти сотилиш шинам ҳовли. Бежирим дарвозахона, гараж. Кенг ва ёруғ меҳмонхона, дам олиш хонаси, қулай ва шинам болалар хонаси, ётоқхона. Бу — қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уй-жойларнинг умумий қиёфаси. Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида узокни

кўзлайдиган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мазкур лойиҳаларда халқимизнинг менталитети ҳисобга олинган, миллий қадриятларимиз ўз ифодасини топган.

Қишлоқларнинг замонавий қиёфаси Андижон вилоятида ҳам ўзини намоян этмоқда. Сўнги йилларда барпо этилаётган бир-биридан шинам ва кўркам уй-жойлар, янги аҳоли пунктлари, замонавий мактаб ва коллежлар, тиббиёт муассасалари, кенг ва равоён йўллар Андижон қишлоқлари қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда. Вилоятда ўтган йили намунавий лойиҳа асосида 620 янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда замонавий лойиҳалар асосида яна 37 массивда 665 ана шундай кўркам уйлар барпо этилмоқда.

Андижон туманида жорий йилда мукамал лойиҳалар асосида иккита янги массив бунёд бўлаётди. Тумандаги «Хортум» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ҳуриқор маҳалласида қад ростлаётган 4 хонали 82, Исломобод маҳалласидаги 45 уйни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрамига қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

— Уйларда меҳмонхона, болалар хонаси, катталар ва болалар учун алоҳида ётоқхона, ошхона, ювиниш хоналари бир-бирига ҳамоҳанг тарзда, ўзбекона урф-одатлардан келиб чиқиб жойлаштирилган. Ҳовлида машина қўйиш учун махсус айвон ажратилган. Уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланди. Ҳар бир хонадон канализация тармоғига уланган, алоҳида иситиш тизимига эга, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси Андижон филиали бош муҳандиси Муроджон Жамолов.

Яқинда Ҳуриқор маҳалласида қурилиши тугалланган 37 уйда ҳовли тўйларни нишонланди.

— Бундай широйли ва шинам, барча шароитларга эга уйлар фақат киноларда бўлади, дея уйлардан, — дейди янги уй соҳибаларидан бири, Андижон туманидаги «Омад-97» фермер ҳўжалиги раҳбари Омадхон Ҳомидова. — Энди турмуш қурган фарзандларимиз — келин-куёвни чала-ярим қурилган ҳовлига, «ошхонаю ҳаммом, бош-

қа шароитини аста-секин ўзинг тўғрилаб оларсан», деб кўчириб чиқарар эдик. Кўп ҳолларда бу чала иш ўн йилларда ҳам якунига етмасди. Янги уйимизда ҳамма шариоит бор. Шу вақтгача «Бизга шуниси ҳам бўлаверади, қишлоқчилик-да», деб калта ўйлаб юрган эканмиз. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан буни теран англадик, аслида ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун эканини чуқур ҳис этдик.

— Икки ўғлим билан 4 хонали уйга кўчиб ўтдик, — дейди меҳнат фахрийси Незматжон Нўрмонов. — Отамдан қолган эски уйда яшардик. Ҳар гал таъмирлашни бошлардигу ё маблаг етмай қоларди, ё уста кетиб қоларди ёки қурилиш материаллари топилмасди. Пишиқ гиштдан мустаҳкам қилиб қурилган, барча шароитга эга бу уйда кўп йиллар қурилишу таъмирлашни умуман ўйламай яшайсан киши. Обод уйга барака киради, деганлари рост экан.

шени ривожлантириш ва уларнинг қийматини янада арзонлаштириш мақсадида мазкур инжиниринг компанияси тизимида ишга туширилган 12 гишт заводи, Тошкент шаҳридаги металлочерепица заводи ва ёғочни қайта ишлаш корхонасида уч юз эллиқдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолиси нисбатан зич жойлашган Андижон вилоятида янги иш ўринлари яратиш янада долзарб аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда ташкил этилган 58 та ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш корхоналарида икки минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Умуман, вилоятда бугунги кунда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар

ниб кетаман. Келгусида мен ҳам шундай уйга буюртма бериш ниятидаман, — дейди «Холис» масъулияти чекланган жамият гишт терувчиси Нурилло Ҳамроқулов.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш, ишлаб турганларини модернизация қилишда кенг имкониятлар яратди. Бунинг самарасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, маҳсулот нархининг арзон бўлишига эришилмоқда.

Буни Андижон вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, вилоятда кунига ўртача 350 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. Андижон туманидаги «Оташ меҳр» хусусий

Аҳолиси нисбатан зич жойлашган Андижон вилоятида янги иш ўринлари яратиш янада долзарб аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда ташкил этилган 58 та ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш корхоналарида икки минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Умуман, вилоятда бугунги кунда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган 46 пудрат ташкилотига 3 мингдан зиёд қурувчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Яқинда янги ҳовлига келин туширмоқчимиз.

Бу самимий гаплар — Президентимиз раҳнамоллигида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу сазъ-ҳаракатларнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси, ҳамюртларимиз онгуну тафаккуридаги инъикоси. Кўнгли ободлигининг оддий кўринишидир.

Аҳоли фаровонлигининг ошиши, шубҳасиз, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, даромадини яхшилашга боғлиқ. Шу жиҳатдан, қишлоқларда бошланган бунёдкорлик ишлари минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компаниясидан маълум қилишларича, айни пайтда мамлакатимизнинг 357 қишлоқ массивида 7 минг 400 уй-жой барпо этишда 756 пудратчи қурилиш ташкилоти иштирок этмоқда. Уларда 75 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётди. Уй-жой қурили-

лишида иштирок этаётган 46 пудрат ташкилотига 3 мингдан зиёд қурувчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

— Қурилиш ишларида касб-хуна қоллежларини битирган кўплаб ёшлар иштирок этмоқда, — дейди Андижон туманида қуриладиган янги уй-жой массиви пудратчиларидан бири — «Қамолот ишонч Анд» корхонаси иш юритувчиси Раҳматулла Мамажонов. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари асосида қурилиш ташкилотларига берилган имтиёзлар фаолиятимизни кенгайтириш ва янги мутахассисларни ишга қабул қилиш имконини бераётди. Қурувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган, уларнинг ижтимоий ҳимояси тўлиқ таъминланган. Бу уй-жойлар қурилишини тез ва сифатли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

— Ишларимиз унумли бўлгани учун даромадимиз ҳам шунга яраша. Ўзимиз қурган янги ҳовилларни кўриб ҳавасим қилдик, қувон-

корхонаси, «Боғишамол» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси, Ҳўжаобод туманидаги «Шанс», «Хамкор инвест элгант» хусусий фирмаси янги уй-жойларга сифатли пишиқ гишт етказиб бермоқда.

...Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ёш рассомлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма билан танишиб, эндигина етти ёшга тўлган жиҳазлик Сардор Нуралиевнинг суратлари диққатини тортиди. У расмларидан бирди ўзининг қишлоғини тасвирлабди: четлари гулзор, текис асфальт йўл, унинг икки томонида замонавий уйлар. Унинг дарвозахонасида «Нексиа» автомобили. Ҳовлида эса дархат экатган нуруний отахон ва набира... Бу ҳам ёш боланинг тасаввур. Айни вақтда ҳақиқат, амалда ҳам худди шундай.

Бу истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган бугунинг воқеаси...

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА Шарҳловчиси.



Янгийўлнинг интенсив боғи

«Сайфуддинова Миришкор Хонзода» фермер ҳўжалиги пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида 9 гектар майдонда интенсив технология асосида мевали боғ ташкил қилди. Ҳанда кўпчилик боғнинг келажига унчалик ишонмаган эди. Боиси, боғдаги олма, гилос, нок кўчатлари хоридан, аниқроғи, Польшадан олиб келинган. Айримлар бу бизнинг иқлим шароитларига мос келмайди, деса, қолганлар бир йил ўтмасдан кўчатларини қори қуриб қолади, дейишган.

Фермер ҳўжалиги раҳбари Заҳриддин Сайфуддиновнинг айтишича, бундан бир-икки йил бурун Польшадан олманг 10 минг туп «Лобо», «Легол», «Чемпион Арпо», «Айдарит» навлари, пилоснинг 1200 туп «С ЭМ Ф-121», «Ритнер», «Регина» навлари, нокнинг 800 туп «Конференция», «Лукасовка» навлари хоржий валюта хусоби-га келтирилиб боғ ташкил қилинган.

— Ўтган йили, тўғрироғи, боғ ташкил топган дастлабки йилнинг ўзидаяқ кўчатлар нишонча хоолини кўрсатди. Жорий йилда эса ҳар гектар майдондаги мевали кўчатлардан ўртача 10 тоннадан зиёд ҳосил олишни мўлжаллаб тўрмоқчи. Бундай боғларни ташкил қилишимиздан мақсад халқимиз дастурхонига арзон, сифатли, сарил мевачева етказиб беришдир, — дейди у. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги боғдорчилик билан шуғулланадиган фермер ҳўжалиқларига мевали дархат кўчатларини етказиб бериш ниятимиз бор.

Сўхробжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Сифатли қурилиш материаллари

Юртимизда кенг қўлаида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта. Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Ангорпласт» хусусий корхонаси қурилиш объектларига сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган субектлардан бири.

Тадбиркор Раҳоб Шералиев раҳбарлигидаги корхонада 12 турдаги пеноблок ва плитка ишлаб чиқаришмоқда. Унга ақин киши иш билан таъминланган кичик корхонада қурилиш материаллари турини янада кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Мақсад юрт фаровонлигига хизмат қилиш

Мамлакатимиз молия бозорига мустаҳкам мавқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банкнинг Наманган вилояти филиали жамоаси бугунги кунда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида илҳобий натижага эришмоқда. Айниқса, кейинги икки-уч йил давомида хизмат турлари кенгайди, фаолият кўрсатиш универсаллашди.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан вилоятдаги бир неча юзлаб юридик шахс макомини олган ташкилот ва корхоналарга ҳамда минглаб жисмоний шахсларга молиявий хизмат кўрсатиб келинмоқда. 2011 йилнинг 1 июнь ҳолатига банкнинг мижозлари сони 1100 дан ошиб кетди. Вазиран Маҳкамасининг пластик картчалар асосида ҳисобкитоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга биноан бу соҳада ҳам анчагина ишлар қилинди. Банк томонидан пластик картчалар йиғирмадан ортиқ бюджет ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар ходимларига тарқатилди. Бугунги кунда биргина чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг 80 тасига савдо терминаллари ўрнатилган.

Филиалда «WESTERN UNION», «CONTACT», «MIGOM», «Быстрая почта», «Интер экспресс» халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Ҳар бир мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, фаолиятининг ўзига ҳос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банк вилоят бўлимининг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишни ташкил этишдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шакллари амалиётга жорий этиш йўлидаги банк ходимларининг сазъ-ҳаракатлари натижасида мижозларнинг банк билан ҳамкорлиги катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тез-тежас мақсадида банкда «Банк — мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда.

Айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўз бизнесини йўлга қўйиб, жамиятга ва ўз оиласига

фойда келтирмаган деган одамларга қўллаб молиявий мадад берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида шу мақсадда 373,4 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, банк филиали томонидан савдо ва сервис соҳаларини ривожлантириш йўлида 150 миллион сўм миқдорда қисқа муддатли кредитлар берилди.

Масалан, Наманган шаҳридаги «Сардоба» бозорига фаолият юритаётган Обиджон Тўрабоев раҳбарлигидаги «Абдуллазиз барка савдо» хусусий корхонаси олайлик. Ушбу корхона бир неча йилдан буён «Савдогар» банкнинг Наманган вилоят филиали мижози ҳисобланади. Бу корхона асосан савдо фаолиятини ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Тадбиркор бу йил ўз фаолиятини янада кенгайтиришга, аҳолига қўллаб сифатли маҳсулотлар етказиб беришга қарор қилди. Шу боис яна банкка мурожаат этиди. Банк жамоаси унинг лойиҳасини кўриб чиқиб маъқуллади ва корхонага 50 млн. сўм миқдорда қисқа муддатли кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига янги иш ўринлари яратилди.

Хукуматимизнинг 2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида

ги қарорига асосан «Навбахор» МЧЖга (раҳбари Акрамжон Исмоилов) маъий хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриш учун 100,0 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Мазкур иншоот қуриб битказилгандан сўнг қўшимча равишда 10 та янги иш ўрини ташкил этилади.

Шунингдек, банк филиали томонидан Наманган тумани Боғишамол қишлоқ фуқаролар йиғини худудинда жойлашган «ТЕКСТ PLAST» МЧЖга болалар пойабзаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун хомашё сотиб олишга 12,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди, қўшимча равишда 2 та янги иш ўрни яратилди.

Банк филиали томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини янада ошириш мақсадида 98,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Банк филиали томонидан шахсий ёрданчи, деҳдон ҳўжалиқларига ва кам таъминланган оила-ларга қорамол сотиб олиш учун 22 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Буларнинг барчаси мазкур банк ходимларини мижоз учун, унинг манфаатлари учун ишлаётганлигини далолат беради.

Шоҳайдор МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ КЎКСАРОЙ ФИЛИАЛИ

қуйидаги объектни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	«Ипотека-банк» АТИБ Кўксарой филиали биносини капитал таъмирлаш	158 835 848 сўм	132 363 207 сўм	80 кун

Қурилиш ишлари «Ипотека-банк» АТИБ Кўксарой филиалининг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Ипотека-банк» АТИБ Кўксарой филиали.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 233-17-71.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаролатнома-си, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган

меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини буюрлатишга маблағларини ҳисоблашлари қуйидаги нарх преференцияларини эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашши ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Са-марқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Корпус-2Д, 403-хона.**

Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдимида этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, «Ипотека-банк» АТИБ Кўксарой филиали биносида, соат 10.00 да** ўтказилади.

Биз ва жаҳон

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвон саройида Ўзбекистон Бадий академияси, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Иқоу Хираяма Буюк ипак йўли музейи жамғармаси ташаббуси билан Буюк ипак йўлидаги тарихий ёдгорликлар ва обидаларни тадқиқ этишда фаол қатнашган ҳамда археология соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган ёш олимларга «Иқоу Хираяма» мукофоти топширилди.

Археологлар тақдирланди

Мақзуру халқаро мукофот 2010 йилдан бери ўз эгаларига топширилади. Бу йил ҳам Буюк ипак йўли худудидagi мамлакатларда археологик қазимиш ва тадқиқотлар олиб борган 5 нафар ёш археолог ушбу нуфузли совринга муносиб деб топилди.

Улар орасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ходимлари Дилфуза Абдурахимова ва Алексей Горин, Япониянинг Тохоку университети профессори Хага Митсури, Рюкоку университети ўқитувчиси Шунпей Ибаи ҳамда Бунин номидаги Елецк давлат университети аспиранти Роман Тихоновлар бор.

Ғолибларга махсус сертификат ҳамда мамлакатимиз рамзлари акс этган олтин медални Япониянинг фавкултда ва мухтор элчиси жаноб Иохихита Курода тақдим этди.

Чигия Арупига, маданий меросларни сақлаб қолиш бўйича халқаро марказ директори, Сайка университети профессори:

— Мукофотнинг Иқоу Хираяма номи билан аталиши бежиз эмас. Зеро, у бутун фаолиятини Буюк ипак йўлининг кўп асрлик тарихини қайта тиклаш, халқлар, хусусан, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро илмий ҳамда маданий алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликда археологик экспедициялар, кўргазмалар ташкил этишга бағишлади. Узоқ йиллар мобайнида Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда илмий-ижодий изланишлар олиб борди. Бугунги кунда унинг шогирдлари бу ишларни муносиб давом эттириб келмоқда.

Хага Матсури, Тохоку университети профессори, «Иқоу Хираяма» мукофоти соҳиби:

— Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон, Рим ва Нара (Япониянинг

қадимги пойтахти) шаҳарларини боғлаган Буюк ипак йўлининг том маънодаги маркази ҳисобланади. Шундан бўлса керак, бу худудда шу қадар бой маданий мерос вужудга келганки, у бошқа халқлар, жумладан, япон халқи маданиятига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Демак, биз ўз мамлакатимиз тарихи ва маданияти илдизларини чуқур ўрганиб, тадқиқ этмоқчи бўлсак, энг аввало, Ўзбекистонда қадимги ва ўрта асрларда бўй кўрсатган буюк цивилизация билан яқиндан танишишимиз, унинг сирини кашф этишимиз лозим. Шу мақсадда бир неча йил Сурхондарё вилоятининг Буюк ипак йўлида жойлашган Кампиртепа шаҳрида Э.Ртвеладзе, Ж.Илёсов каби машҳур археологлар билан биргаликда тадқиқотлар олиб бордим.

Алексей Горин, Ўзбекистон тарихи давлат музейи бўлими мудири, «Иқоу Хираяма» мукофоти соҳиби:

— Япониялик ҳамкасбларимиз билан бирга беш йил давомида Кампиртепадаги қазималарда иштирок этдим. Бу мўъжизавий шаҳар Амударёнинг ўнг соҳилида, Шўроб қишлоғидан (ярим километр) ғарбда жойлашган. Шаҳар Буюк ипак йўли мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ва иқтисодий муносабатларда марказ сифатида етакчи мавқега эга бўлган. У, айниқса, милодий I-II асрларда юксак даражада тараққий этган. Бу ердан нафақат Шарқ, балки Ғарб давлатларига тегишли тангалар, бажирим сопол буюмлар, безак ва хайкалчалар ҳамда бошқа нодир ашёларнинг топилуши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик фарзандлари

15 ёшли ўзбек футболчисига

«Реал» клуби қизиқмоқда

2010 йилда ёш пахтакорчилар Мадридда ўтказилган халқаро мусобақада бош совринни кўлга киритган эди. Ушанда турнирнинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилган «Пахтакор» академияси тарбияланувчиси, 1996 йилда Маргилонда туғилган Музаффар Исмоилов Мадрид жамоаларига футболчи тайёрлаб берадиган «Алқобендес» жамоаси мураббийларининг назоратида тушди ва уч ой давомида Испанияда машғул олиб борди. Ёш футболчининг дадил ҳаракатлари, фавкултда таланти, маҳорати Испания миллий терма жамоаси ҳужумчиси, жаҳонга машҳур футболчи Фернандо Торреснинг устози Маноло Рангелнинг эътиборини ўзига тортди.

Айни пайтда Мадридда футбол мавсуми якунига етди. Шу кунларда Музаффар Тошкентда машғулотларда қатнашпти. У кунда яна Мадридга боради. Бир пайтлар ўзим ҳам «Атласчи» таркибиде ўйнаганман. Ўша вақтларда ҳам истеъдодли футболчи болалар кўп эди. Лекин минг афсуски улар Тошкентдан нарига ўтолмас эди. Мустақиллик берган имконият тўғрисида эса ўзбек футболчиларига жаҳоннинг энг нуфузли клубларидан тақлифлар тушмоқда. Бир қатор футболчиларимиз хорижда тўп суришмоқда. Ўзоққа бормайлик, бугун менинг фарзандим Музаффар ҳам дунёнинг энг кучли клубига тақлиф қилинди.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ўз академиясини очган Тошкентнинг «Пахтакор» клуби бугун нафақат терма жамоаларимизга футболчилар етказиб берапти, балки унинг тарбияланувчиларига дунёни машҳур футбол клублари ҳам катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Испанияликлар Музаффарни бир йиллик кўрикка чақирришганди, — дейди «Пахтакор» жамоаси катта му-

раббийи, футболчининг отаси Мурод Исмоилов. — У йил бошида уч ойлик машғулотларда қатнашиб келди. Кунда яна Пиреней ярим оролига боради. Бир пайтлар ўзим ҳам «Атласчи» таркибиде ўйнаганман. Ўша вақтларда ҳам истеъдодли футболчи болалар кўп эди. Лекин минг афсуски улар Тошкентдан нарига ўтолмас эди. Мустақиллик берган имконият тўғрисида эса ўзбек футболчиларига жаҳоннинг энг нуфузли клубларидан тақлифлар тушмоқда. Бир қатор футболчиларимиз хорижда тўп суришмоқда. Ўзоққа бормайлик, бугун менинг фарзандим Музаффар ҳам дунёнинг энг кучли клубига тақлиф қилинди.

Футбол билан беш ёшимдан бошлаб шуғулланман, — дейди Музаффар. — Илк бора Маргилонда Валерий Федунгов кўл остида машғулотларга қатнашгандим. 13 ёшга кирганимда ўша пайтда «Пахтакор» клубида фаолият юритган Отабек Фуломхўжаев мени Тошкентга олиб келди. Испанияга сафарим жуда



яхши ўтди. Умумий ҳисобда ўн та учрашувда майдонга тушиб, саккизта гол урдим. Мураббийлар менга «Реал» Мадрид академияси вакиллари жиддий қизиқаётгани ва кунда яна Испанияга келишим кераклигини айтишди. Болалигимдан «Реал»нинг ашаддий ишқибозиман. Эндликда севишли клубимда тўп суриш имконияти юзага келаётганидан жуда бахтиёрман. Шу вақтгача мадридликлар таркибиде осийлик футболчи бўлмаган. Музаффар Исмоилов нафақат ўзбекистонлик, балки осийлик футболчилар орасида ҳам бу борада биринчи бўлиши мумкин. Ўзбек футболчи бугун жаҳонга юз туяпти. Қишда

бўлиб ўтган Осиё Кубогидан кейин кўпчилик футболчиларимизга чет эл жамоаларидан тақлифлар тушди. Бу жараён яна давом этмоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов яқинда бўлган йилгиликда Одил Аҳмедовга Лондоннинг «Арсенал», Азиз Ҳайдаровга эса «Тоттенхэм» клублари қизиқаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ана шу футболчиларнинг издоши бўлган Музаффар Исмоилов ҳам келажакда дунёнинг машҳур жамоаларида тўп суришига ишонамиз.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хушxabар

Осиё чемпионати

Остона (Қозоғистон)да бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Кўпқураш баҳсларида терма жамоамиз етакчиси, иккитдорли бадий гимнастикачимиз Уляна Трофимова фахрли учинчи поғонадан жой олди. Жамоавий мусобақаларда ҳам ҳамюртларимиз Уляна Трофимова, Жамила Раҳматова ҳамда Замира Саноқулова триоси кучли учликни яқунлаб беришди.

Эътиборлиси, ёшларимиз иштироки мутахассисларда илик таассурот қолдирди. Умидли гимнастикачиларимиз Валерия Давидова ҳамда Майя Филиппова шохсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини банд этди. Шунингдек, улар жамоавий баҳсларда Анастасия Сердюкова ва Мафтуна Шамсиева билан биргаликда кумуш медалга сазовор бўлишди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ўсмирлар ўртасида Зарина Курбонова, Ольга Кирьякова, Феруза Аминова, Яйра Сержанова ва Луиза Фаниева «квартин»нинг гуруҳ мусобақаларида кучли учликдан ўрин олганлиги юртимиз бадий гимнастикаси келажаги порлоқлигидан дарак бериб турибди.

Эркин ХОЛБОБО

Шўрчида янги бош бекат

Шўрчи Шаҳри марказидаги бошбекат 1976 йили қурилган. Тўман ҳокимнинг ўтган йили чиқарган қарорига асосан, бошбекат қайта қуриладиган бўлди. Тадбиркор Жамшид Ҳайиталиев замонавий масканни бунёд этишни ўз зиммасига олди.

— Қишда лой, ёзда чанг эски бекат йўловчи ва ҳайдовчилар учун талай муаммолар келтириб чиқарарди, — дейди тадбиркор. — Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида 2 қаватли кўркам бошбекат фойдаланишга топширилади. Унинг биринчи қаватидан маиший хизмат кўрсатиш, кутиш зали, ҳамшира, нозимхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, савдо шохобчалари ўрин олса, иккинчи қаватда маъмурият жойлашади. Умумий майдон қарийб 150 квадрат метр майдонни эгаллайдиган худудда меваали ва манзарали дарахлар экилди.

Айни кунларда бу ерда 30 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, иншоот ишга тушуши билан яна 30 та янги иш ўрни очилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ОБЪЯВЛЕНИЕ!!!

Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте принимает к рассмотрению предложения высококвалифицированных специалистов и преподавателей, имеющих ученую степень по сотрудничеству с Филиалом в следующих направлениях:

1. Математика:

- 1)Классическая математика; 2)Дискретная математика; 3)Прикладная математика; 4)Информатика; 5)Математическая физика.

2. Психология:

- 1)Общая психология; 2)Социальная психология; 3)Специальная психология; 4)Анатомия и физиология человека; 5)Возрастная психология.

3. Общегуманитарные специальности:

- 1)Филология (английский язык, русский язык); 2)Общественные науки (философия, культурология, этика, религиоведение, экономика, социология); 3)Правоведение, Конституция Республики Узбекистан; 4)История Отечества. Идея национальной независимости, этнография; 5)Политология. Построение демократического общества в Республике Узбекистан.

Кандидаты должны быть гражданами Республики Узбекистан и иметь постоянную прописку в городе Ташкенте.

Заинтересованным лицам предлагается присылать документы в электронном виде по адресу kadri-fcu@msu.uz — резюме с фотографией (3х4), отражающее биографические, образовательные, научные и другие данные, а также список научных трудов, по установленной форме, размещенной на сайте www.msu.uz

Срок подачи документов: со дня опубликования объявления по 15 июля 2011 г. включительно.

Администрация филиала МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте

Тадбир

Ҳуқуқий билимни ошириш йўлида

Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиз» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Адлия вазирлигининг тегишли бошқармалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан вазирлик томонидан аниқ чоралар тадбирлар белгиланиб, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари тизимли равишда ташкил этилмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлса, 2010 йилда вазирлик томонидан салкам 48500 га яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган. 2011 йилнинг шу давригача 15 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Таъкидланганидек, айнан ОАВ ходимларининг ёрдами билан адлия тизими фаолиятини, хусусан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш йўналишлари бўйича ёриштирилган материалларнинг сифат ва мазмундорлиги бирмунча яхшилланган.

Матбуот анжуманида ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи муассасалар масъул ходимлари томонидан тайёрланган материалларнинг сифат ва мазмундорлигини янада ошириш лозимлиги таъкидланиб, жойлардаги ФХДЭ ва Нотариал идоралари раҳбарларининг чиқишларини тақомиллаштириш

масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Қолаверса, сўнгги уч йил давомида вазирлик томонидан ўтказилган «Адлия идоралари ОАВ нигоҳида» республика кўрик-танлови адлия идоралари ва ОАВ ходимлари алоҳида таъкидланиб, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган лойиҳалар юзасидан тайёрланган 4 та фильм жойлаштирилган. Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, ушбу кўргазмали дисклар мамлакатимиздаги барча мактаб ҳамда коллеж ва лицейларга тарқатилиб, тақдимотлар ташкил этилади.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОБ-ҲАВО 23-24.06. 2011

Table with 3 columns: City, BUGUN, and ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarqand, Nukus, etc.

MUASSIS: Logo and contact information for the MSU branch in Tashkent.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot - 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot - 233-12-56; Reklama va e'lonlar - 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibiyat - 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 649 17413 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'za yakuni — 02.15 Topshirilgan vaqti — 04.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'liq TO'RAKONOV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



ISSN 2000-7433 1 2 3 4 5